

**O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Kattaqo'rg'on shahar
HOKIMI
QARORI**



**РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
города Каттакургана
Самаркандской области
Республики Узбекистан**

O'zbekiston Respublikasi, Samarqand viloyati, Kattaqo'rg'on shahri, Amir Temur ko'chasi, 4 uy. tel.: (836645) 6-25-13 faks.: (836645) 6-10-01

2016 у.г. «12» июл

№ 505-VB

Каттақўрг'он ш. – г. Каттакурган

“Каттакўргон шаҳар ҳокимининг 2014 йил 11 январдаги № 20 – Қ сонли қарорини 2,3 бандларига ўзгартириш киритиш тўғрисида”

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги 54 – Қ сон “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда кишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимининг 2013 йил 6 мартдаги № 62-Қ сонли қарори ижросини таъминлаш, Самарқанд вилоят ҳокимининг 2016 йил 3 февралдаги № 08/3-80 сонли Каттакўргон шаҳар фаолларининг кенгайтирилган йиғилиш баёнини бажариш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ер ва Шаҳарсозлик кодексларига мувофиқ ерлардан қурилиш учун оқилона фойдаланиш мақсадида Каттакўргон тумани “Орзу Махмудов” жамоа хўжалиги Новка кишлоғида яшовчи фуқаро Маматқулов Асатулло ва Каттакўргон шаҳар Турон (Х.Улуғбеков) ўтар кўчаси 15 уйда яшовчи фуқаро Юлдошев Шербекнинг шаҳар ҳокими номига ёзган аризасини ҳамда шаҳар ҳокимлиги қошида тузилган комиссия далолатномасини инобатга олиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Каттакўргон шаҳар ҳокимлигида ташкил этилган комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.
2. Каттакўргон шаҳар ҳокимининг 2014 йил 11 январдаги №20-Қ сонли қарорини 2,3 бандларига ўзгартириш киритилсин.
3. Каттакўргон-шаҳар Турон (Х.Улуғбеков) ўтар кўчаси 15 уйда яшовчи фуқаро Юлдошев Шербекга Каттакўргон шаҳар Амир Темур кўчаси атрофида 70 кв.метр ер майдонига замонавий архитектура-қурилиш лойиҳаси асосида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш ҳамда атрофида ободонлаштириш ишларини амалга оширишга рухсат берилсин.
4. Каттакўргон шаҳар Турон (Х.Улуғбеков) ўтар кўчаси 15 уйда яшовчи фуқаро Юлдошев Шербекга белгиланган тартибда келишилган лойиҳа-смета ҳужжатлари (кейинги ўринларда қуриш лойиҳаси деб аталади) асосида қуриш учун ҳужжатларни расмийлаштириш юкланади. Ушбу қарор объектни қуришга муҳандислик корхоналардан техник шартлар ва тегишли бўлимлардан рухсатномалар олиш учун асос ҳисобланади.
5. Ерни натура тарзда жойида ўлчаб бериш, бугунги кун архитектура ва қурилиш талабларига жавоб берадиган ҳолда қурилишини назорат қилиш, шаҳар архитектура ва қурилиш бўлими ҳамда шаҳар “Ер тузиш ва кўчмас мулк каластр” давлат корхонаси зиммасига юклатилсин.
6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари И.Маматов зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими

Ш.Рахмонов